

## ТАЛАБАЛАРНИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА НАТЮРМОРТНИ КОМОЗИЦИЯСИНИ ТУЗИШ ВА ТАСВИРЛАШДА НАЗАРИЙ ҚОНУНЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МЕДОДИКАСИ

**Botir Boltaboyevich Baymetov**

Chirchiq davlat pedagogika instituti “Tasviriy san‘at” kafedراسi professori

[bbb19532506@gmail.com](mailto:bbb19532506@gmail.com)

**Мухторжон Абдурахимович Уматалиев**

Наманган давлат университети таянч докторанти

### АННОТАЦИЯ

Мақола талабаларга тасвирий санъатнинг энг кенг тарқалган ва қизиқарли жанрларидан бири бўлган натюрморт соҳасида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда назарий қонунлардан фойдаланишга қаратилган. Жумладан, тасвирлашда шаклни композиция қонунлари асосида қуриш, шаклларнинг ранг ва тус жиҳатдан ўзаро муносабатлари, конструктив қуриш қонунлари ва талабаларга шаклларни тасвирлаш жараёнида улардан фойдаланиш маҳоратларини ошириш масалаларига қаратилган.

**Калит сўзлар:** натюрморт, композиция, конструкция, ранг, чизик, методик босқич.

### КИРИШ

Педагогика олий ўқув даргоҳларида бўлажак тасвирий санаъатдан педагог кадрларни кабий тайёрлашда касбий фанлар блокадаги қаламтасвир ва рангтасвир фанлари дастуридаги натюрморт тузиш ва тасвирлаш машқлари муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Натюрморт - тасвирий санъатнинг ўзига хос мустақил жанри бўлиб, у (nature morte) французча сўз бўлиб, «жонсиз табиат» деган маънони англатади ва унда кўпинча меҳнат қуроллари, сабзавот ва мевалар, гуллар, парранда ва бошқа жонсиз шакллар тасвирланади. Бошқача қилиб айтганда натюрморт санъатида инсоннинг маиший ҳаёти акс эттирилади.

Натюрморт мустақил жанр бўлиши билан бирга, мавзули картина даги асарларнинг мазмунини очиб беришда кўмаклашувчи, уни тўлдирувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади. Таниқли ўзбек рассомларининг асарларида

Ўзбекистоннинг куёш нурларидан товланиб ва жилваланиб турган мевалари тасвирланган натюрморт композициялари талайгина бўлиб, мазкур мўйиқалам усталари ўз асарларида композиция мазмунини очишда тасвирий санъатнинг қонунларидан усталик билан фойдаланганлар. Меваларнинг илиқ сарғиш-қизил ранглари атрофдаги қизил, кўк, яшил каби турли-туман ранглар билан уйғунлаштириб тасвирлаши туфайли ўз асарларининг ўта таъсирчанлигига эришганлар.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Натюрморт XVII асрнинг бошларида Голландияда пайдо бўлди. Кейинчалик кўплаб мамлакатларга тарқалиб, айниқса XVIII асрнинг ўртасида тасвирий санъатда кенг ривож топган мустақил жанрга айналди.

Рангтасвир санъатининг нодир устаси франциялик рассом Жан-Батист-Симеон Шарденнинг «Санъат атрибутлари» асарларини кузатганимизда уларда оддий нарсаларнинг юксак бадиий тасвирини кўрамыз.

Ўзбекистон тасвирий санъатида рассомлардан Н.Кашина, З.Ковалевская, Ю.Елизаров, Р.Ахмедов, Ғ.Абдурахманов, Н.Тен А.Юнусов, А.Мирзаев, А.Икромжонов каби кўплаб натюрморт жанрининг усталари ва умидли ёш рассомлар ҳам табиат яратган ноз-неъматларга бўлган меҳрларни натюрмортда ифодалаганлар. Натюрморт жонсиз тасвирий санъатнинг алоҳида жанри бўлиб ҳисобланиши ва унинг олий таълимда талабаларни касбий тайёрлашдаги аҳамиятига бағишланган ўқув ва илмий адабиётлар билан М.Набиев, Б.Азимова, Ғ.Абдурахмонов, Б.Байметов каби рассом- олимлар самарали ижод қилганлар. Натюрмортни тасвирлаганда бирор мақсадни кўзлаб, нарсанинг шакли жиҳатдан унинг мазмунига қараб ҳар бир нарсанинг тутган ўрнини ёритиб бериш лозимдир. Тасвирланаётган нарсаларнинг шакл, ранг, тузилиши, фазовий ҳолат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Алоҳида мазмунли натюрморт асари яратиш ҳақидаги фикр рассом хаёлида узоқ вақт давом этган кузатишлар ёки бирор нарсдан қаттиқ таъсирланиш оқибатида тўсатдан пайдо бўлиши ҳам мумкин. Ижодкорнинг кўз ўнгида бўлажак натюрморт яхлитлигича гавдаланади ва унга мос нарсалар танлаб, эътибор билан жойлаштириш ҳақида фикр юритади, хомаки эскизлар чизади ва шу эскизлар асосида композиция тузади.

## НАТИЖАЛАР

Натюрмортни кўйилмасини тузиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бажарадиган вазифасини назарда тутиб натюрмортдаги нарсалар турли ҳолатларда кўйилади. Натюрмортда тасвирланадиган нарсаларнинг ўлчовлари турлича бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиб, кичикроқ шакллар олдинроқда, йириклари орқароқда тасвирланади. Натюрморт тузганда унинг фонига аҳамият бериш керак бўлади. Кўйилган натюрморт постановкасининг умумий тусини ҳисобга олиб, очик ранглардаги натюрморт кўйилмалари учун - қорамтир фон, ва аксинча тўқ ранглардан тузилган натюрморт кўйилмалари учун эса оқиш фон танланади. Натюрморт уфқ чизиғидан пастроққа жойлаштирилади. Шунда нарсаларнинг фазовий ҳолати ва буюм текислиги яхши кўринади. Натюрморт тўғри кўйилгандан сўнг у синчиклаб кузатилади. Натюрморт композициясини қоғозга тўғри жойлаштириш мақсадида қоғоздан ясалган махсус асбоб (видеоискатель)дан фойдаланиш яхши натижалар беради. Бу асбоб орқали топилган композицияси алоҳида қоғозда кичик ўлчовдаги тўла ҳомаки расми чизиб кўрилади. Расм композицияси топилгандан сўнг асосий иш янги қоғозга нарсалар тўпламининг тасвирини чизишга ўтилади.

Натюрморт чизганда ундаги ҳамма нарсаларни бир йўла тасвирлаш лозим. Акс ҳолда расмда бир нарсанинг ўлчови каттароқ ва иккинчисиники кичикроқ бўлиб, расм композицияси бузилади. Нарсаларнинг умумий баландлиги ва эни иш қоғозда ёрдамчи чизиқлар билан белгилаб олинади. Натюрмортнинг композицияси белгилангандан кейин кўйилмадаги ҳар бир нарсанинг ўлчови, шакли (тузилиши, ранги, ёруғ-сояси) аниқлашга ўтилади, яъни натюрморт чизишда умумийдан хусусийга ва хусусийдан яна умумийга ўтиш принципига амал қилинади. Натюрмортни тасвирлаётганда уни босқичма-босқич тузилиш шакллари асосида бажариш керак. Мисол учун, икки-уч нарсанинг тасвирини чизишда буюмларнинг ўлчови жиҳатидан ўзаро фарқини, оралигидаги масофани, соя ва ёруғликларнинг фарқини кўз билан чамалаб топилади. Натюрморт иш қоғозининг ўртасига жойлаштирилади. Нарсаларни олдин бир-биридан катта кичиклигига аҳамият бериб, солиштириб кўрилади. Кейин қаламни босмаган ҳолда уларнинг тасвирини турган ўрни белгилаб олинади. Тасвирни аниқ шакли, яъни қиёфалари топилгандан сўнг ёруғлик манбаи ҳам аниқланади. Чунки тасвирнинг мувозанат ҳолатда туриши ундан тушиб турган сояга ҳам боғлиқдир. Тушувчи соя ҳам нарсаларнинг фазовийлиги ва қандай материалдан ишланганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Нарсаларнинг ўз сояси, ёруғи, ўзидан тушиб турган сояси ва қаламда унинг шаклларига қараб қоралаб чизилади. Нарсаларнинг перспектив қисқаришларни ҳисобга олиб ҳар бир нарсадаги ёруғ ва соя қоидаларига риоя қилган ҳолда тасвирланади. Кейин натура билан фони ўртасидаги оч-тўқлигининг фарқи белгиланади.

## МУҲОКАМА

Ҳар қандай санъат асарининг негизини композиция ташкил этади. «Композиция» (лат. compositio) - тузиш, ижод қилиш демакдир. У асар тузилишида қисмларнинг асар ғоясига мувофиқ жойлаштирилишини ва ўзаро муносабатини англатади.

Тасвирий санъатда композициянинг симметрия ва асимметрия, мувозанат ва ритм, турғунлик (статик) ва ҳаракат (динамик), иккинчи даражали нарсаларнинг асосийга бўйсунуши, кўриш маркази ва кўпинча унга мос келадиган композицион марказни бўрттириб кўрсатиш каби қоидалари мавжуд.

Композициянинг асосий талаблари яхлитлик, симметрия ва ритм. Тасодифан терилиб қолган нарсаларни натюрморт деб бўлмайди. Натюрморт композициясининг маъноли ва таъсирчан чиқиши учун ягона мавзудаги, бир-бирига муносиб ва мос нарсалар табиий боғланишда қўйилиши керак.

Қўйилган натюрмортнинг асосий ғоясини сурат текислигида тасвирлаб кўрсатиб бериш учун, яъни натура билан тасвир ўртасида тўла ўхшашликка эришиш учун тасвирий санъатнинг ифода воситалари бўлган композиция, перспектива, ёруғ-соя ва рангшунослик назарияларини пухта билиш ва уларни амалда қўллай олиш талаб қилинади. Энди битта нарсани эмас, бир неча нарсани ўзаро боғланишда, қисмлари бир-бирига мос бўлган яхлит нарса қилиб тасвирлаб кўрсатишдан иборат бўлади. Шунинг учун ишнинг режасини тузиб олиб, кетма-кетлик босқичлар билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Натюрморт ишлашда маълум изчилликни сақлаб, кетма-кет босқичлар билан иш олиб бориш, тасвирий санъат асосларини ўрганиш муҳим.

Натюрмортнинг қаламда чизилган композициясини сурат текислигида тасвирлаш хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Расм чизувчи нарсалар тўпламига (натюрморт) маълум бир кўриш нуктасидан қарайди ва у кўз қарашига қатъий равишда кузатиш перспективаси қонуниятининг ўзаро боғлиқлиги билан намоён бўлади. Бундан ташқари, натурадаги нарсалар ўзаро ёритилганлиги ва бир-бирига боғланган бўлиб, улар оралигида рефлекслар,

ярим соялар, соялар ва ёруғликлар тақсимоти маълум бир тартибда бўлади. Мабодо кўриш нуқтаси ўзгартирилса натуранинг ўзаро жойлашуви ва ёритилганлиги янги кўринишда намоён бўлади. Кўриш нуқтаси ёруғликка қарама-қарши бўлганда тасвирни силует тарзида кўриш мумкин. Натюрморт композициясини шундай тузиш керакки, уни қайси нуқтадан кузатганда ҳам у яхлит бир бутун кўринишига эришмоқ зарур. Натурага нисбатан қизиқарли кўриш нуқтасини танлаб олгач, қоғоз вароғи қандай ўлчамда бўлишлигини аниқлаш зарур. Қоғоз вароғида ифодаланадиган натюрморт қўйилмасини натурадан тўғри аниқлаб тасвирлай олиш керак.

Натюрморт композициясини қурилишида дастлаб қоғоз юзасида тасвирланаётган нарсаларни пухта жойлашуви, қоғоз ўлчамига нисбатан тасвирнинг катта кичиклигини аниқлашдан иборат. Ҳар бир натура қўйилмаси муайян ўлчамдаги қоғозни талаб қилади.

Тасвирланаётган нарсалар маълум ўлчам текислигида «тиқилинч», ёхуд жуда ҳам кичик жойлашиб қолмаслиги зарур. Ҳаддан ташқари кичик жойлашган тасвирлар қоғоз текислигида аниқ кўринмайди.

Тасвирда асосий эътиборни ўзига жалб этувчи буюм – композиция маркази қолганлари эса унга тобе бўлиб хизмат қилади.

Тасвирда томошабиннинг назари ана шу марказга йўналтирилган бўлиши керак. Ўлчамни аниқлаб олгач, асосий ишни бошлашдан олдин кичик ўлчамдаги қоғоз бўлагида бўлажак натура қўйилмасини хомаки вариантлари тайёрланади, шундан сўнг, асосий ишга ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлаб оддий натура қўйилмаларидан (гипсли геометрик шакллардан)... кейин эса геометрик шаклларга яқин бўлган маиший буюмлардан тузилган натюрмортларни астойдил ишлаш... сўнгра, турли рангдаги, материалликдаги буюмлардан тузилган қўйилмаларни тасвирлаш мумкин.

Натюрморт қўйилмасини тасвирлашда ишни алоҳида-алоҳида буюмлардан бошлаб сўнгра бошқаларига ўтиш асло мумкин эмас. Нарсалар гуруҳини қоғозга тўғри жойлаштиришда нисбат, оралик масофалар, фазовий жойлашувда хатоликка йўл қўймаслик муҳимдир. Бунинг учун нарсалар тўпламини енгил чизиқлар билан белгилаб чиқиш зарур. Тасвирлашда нарса ва буюмларнинг перспектив қисқаришларини пухта бажариш ўта муҳим.

## ХУЛОСАЛАР

Тасвирлашнинг дастлабки босқичда талабалар шакл ва буюмларнинг текисликдаги фазовий жойлашуви, нисбатлари, ҳажми, конструктив қурилиши

каби вазифаларни тўлиқ бажаришга эриша олмайдилар. Уларнинг диққат эътибори нарсаларни контур чизиқларини тасвирлашга қаратилган бўлади ва нарсанинг ташқи кўриниши чизилса, шакл ҳам тўғри тасвирланади деб ҳисоблайдилар. Буюмнинг умумий кўринишини тасвирлаётиб, унинг конструктив қурилиши, нисбат каби хусусиятлари назардан қолиб кетмаслиги керак.

Нарсаларнинг ўзаро жойлашуви, истаган қиррасини йўналиши натурада осонгина аниқланади ва натуранинг йўналтирувчи ва вертикал (тик), горизонтал (ётик) чизиқлари ёрдамида тасвир қоғозда енгил қурилади. Узун қалам ёрдамида қурилманинг перспектив бурчакларини, қирра нисбатларини, стол текислигида ўзаро турган жойларини текшириш мумкин. Бунинг учун қаламни чўзилган қўлда вертикал, горизонтал ёки бурчак остида ушлаб қирраларни перспектив йўналишини текшириш мумкин.

Натурада бу вертикал кубнинг қорайтирилган томонини ўртасидан кесиб ўтади чизматасвирда эса бундай бўлмаслиги мумкин. Хатосини аниқлаб уни дархол тузатамиз. Агарда конуснинг чап томонини давом эттирсак у цилиндрнинг айлана асосига зўрга тегади. Бу ерда ҳам чизматасвир айтарли даражада аниқ эмас. Вазани юқори қисми орқали горизонтал чизиқ ўтказиб унинг баландлигини конус бўйига нисбатан аниқлаш мумкин. Яна цилиндрнинг икки томонини давом эттирсак... қаерга бориб тақалишини текшириб кўриш мумкин. Натурада кубнинг олдинги қирраси конуснинг маркази билан рўпара келмайди, чизматасвирда у айнан марказда бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Шундай қилиб яна битта хатосини топамиз. Энди горизонтал жойлашган қаламни натурадаги кубнинг асосига келтирамиз ва қанчалик цилиндр асосини пастада бу чизиқ ўтишини кузатамиз. Натурада иккаласини асоси деярли битта горизонтал чизиқда жойлашган. Бунинг чизматасвирда текшириб кўрамиз.

Нарсаларнинг нисбатларини аниқлаб ва уларни перспективада қураётиб баробар енгил-елпи сояларни бериш керак. Бу эса нарсаларнинг нисбатларини ҳам ва уларнинг ўзаро жойлашганлигини анча аниқ етказишда имкон беради. Буюм текислигидаги нарсалар тўпламини жойлаштиришда уларнинг асосларини қуриш жуда ҳам муҳим ҳисобланиб, ҳар бир нарсани жойини аниқламасдан улар орасидаги кенгликни етказиш мумкин эмас. Айрим нарсалар ҳавода «муаллақ» бўлиши ёки бири иккинчисига «ўйиб» киргандек кўриниши мумкин. Шунинг учун тасвирлаш жараёнида алоҳида нарсалар ва

уларнинг қисмларини катта-кичиклигини ҳар доим бир-бирига таққослаб бориш зарур.

## REFERENCES

1. Baymetov Botir Boltaboevich Formation of the skills of portraying the future teacher of fine arts in pencil drawing ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal Year: 2020, Volume: 10, Issue:5 Firstpage: (1122)
2. Botir Boltabaevich Baymetov, Muratov Khusan Kholmuratovich, Self Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 | e-ISSN 2651-446X www.turkjphysiotherrehabil.org 30493 Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. Vol. 63. No. 2, (2020) @ www.solidstatetechnology. us
3. Baimetov Botir Boltabayevich, Sharipjonov Muhiddin. Development of students» descriptive competencies in pencil drawing practice. Issue 08, 2020 issn 2689–100x the usa journals, usa www. usajournalshub. com/inde x.php/tajssei... mso, ISSN 2689–100X The USA Journals, 261–267.
4. Baymetov, B. B., & Sharipjonov, M. S. O. (2020). Development Of Students' Descriptive Competencies In Pencil Drawing Practice. <http://www.usajournalshub.com/index.php/tajssei>. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 261-267.
5. Boltabayevich, B. B., & Shodieva, B. O. (2020). Individual Approach To The Formation Of Artistic And Creative Talents Of Students In Art Schools. <http://www.usajournalshub.com/index.php/tajssei>. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 637-642.
6. Байметов, Б. Б. (2016). История развития изобразительного искусства Узбекистана. Наука, образование и культура, (1 (4)). 11. Baymetov, B. B., & Sharipjonov, M. S. O. (2020). Development Of Students' Descriptive Competencies In Pencil Drawing Practice. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 261-267.
7. Байметов Ботир Болтабаевич. Актуальные вопросы подготовки педагогических кадров республике Узбекистан. Международный научный журнал «ВЕСТНИК НАУКИ» 2020/10. Том 1. 10 (31). Страницы 5-9.
8. Байметов Ботир Болтабоевич. Тасвирий санъатдан бўлажак рассом-ўқитувчиларни касбий тайёрлашда композиция фанининг назарияси ва методикаси. Science and education journal. 2020/4. Стр. 461-467

9. Байметов, Б. Б. (2020). Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларга композиция фанини ўқитишнинг назарияси ва амалиёти. *Science and Education*, 1(7).
10. Baymetov, B. B. (2020). Development Of The Ability To See And Represent The Form Remotely In The Process Of Teaching Students To Portray A Creature In Higher Pedagogical Education. *The American Journal of Applied sciences*, 2(10), 154-159.
11. Botir Boltabaevich Baymetov. Development Of The Ability To See And Represent The Form Remotely In The Process Of Teaching Students To Portray A Creature In Higher Pedagogical Education. 2020/10 Журнал. *The USA Journals*. Том 2. Страницы- 154-159
12. Botir Boltabayevich Baymetov. Technologies Of Moving Images Of People From Different Views In Fine Arts Lessons. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. *The American Journal of Social Science and Education Innovations* (ISSN – 2689-100x) Published: January 31, 2021. Стр. 463-468
13. BB Baymetov. Inson qomatining turli ko'rinish va holatlaridan qisqa muddatli tasvirlaridan bajarish myetodikasi. "Science and Education" *Scientific Journal* January 2021 / Volume 2 Issue. 357-365
14. Botir Boltabaevich Baymetov. oliy pyedagogik ta'limda bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarining ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning ba'zi masalalari. *academic research in educational sciences volume 2 |issue 1| 2021*. 277-283 бетлар.
15. BB Baymetov, XX Muratov. Tasviriy san'atdan amaliy mashg'ulotlarida talabalarning tasvirlash mahoratlarini takomillashtirish texnologiyalari. *Science and Education*, 2021.349-354.
16. Botir Boltabaevich Baymetov. Art Of Modern Uzbekistan: The History Of Its Development During The Years Of Independence. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. 2020/10. 125-132.
17. BB Boltaboevich. Methods of portraiture in the process of making sketches and drawings of the human face in higher pedagogical education. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 2020. Том 24. Номер 5.Страницы 6408-6415.
18. Botir Boltabayevich Baymetov. Technologies Of Moving Images Of People From Different Views In Fine Arts Lessons. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. 2021/1. *The American Journal of Social Science and Education Innovations* (ISSN – 2689-100x) Published: January 31, 2021. том 3. номер 1. Страницы 463-468.